

ВОЯГА ЕТМАГАН ҚИЗЛАР ҲУҚУҚБУЗАРЛИГИНИНГ САБАБ ВА ШАРТ-ШАРОИТЛАРИГА ДОИР КРИМИНОЛОГИК ТАҲЛИЛ**Ашурова Гулноза**
мустақил тадқиқотчи**КРИМИНОЛОГИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ ПРИЧИН И УСЛОВИЙ ПРАВОНАРУШЕНИЙ НЕСОВЕРШЕННОЛЕТНИХ ДЕВУШЕК****Ашурова Гулноза**
независимый исследователь**CRIMINOLOGICAL ANALYSIS OF THE CAUSES AND CONDITIONS OF JUVENILE FEMALE DELINQUENCY****Ashurova Gulnoza**
Independent Researcher<https://doi.org/10.5281/zenodo.19974737>

Аннотация. Мазкур тадқиқот вояга етмаган қизлар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг криминологик жиҳатдан таҳлиliga бағишланган. Унда ушбу тоифадаги ҳуқуқбузарликларнинг келиб чиқиш сабаблари ва уларга таъсир этувчи шарт-шароитлар комплекс равишда ўрганилган. Тадқиқотнинг мақсади — вояга етмаган қизлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг ижтимоий, психологик ва оилавий омилларини аниқлаш ҳамда уларнинг олдини олишга қаратилган илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқишдан иборат. Тадқиқот жараёнида формал-мантикий, қиёсий-ҳуқуқий ва статистик таҳлил усулларидадан фойдаланилди. Натижада аниқландики, ҳуқуқбузарликларнинг асосий омиллари сифатида оилавий назоратнинг етишмаслиги, таълим муассасаларида профилактик ишларнинг самарадорлиги пастлиги, ҳамда салбий ижтимоий муҳит таъсири устувор аҳамиятга эга. Шунингдек, гендер хусусиятларини инобатга олган ҳолда профилактика чораларини такомиллаштириш зарурлиги асосланди. Тадқиқот натижалари амалиётда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштиришда қўлланилиши мумкин.

Ключевые слова: вояга етмаганлар, қизлар ҳуқуқбузарлиги, криминологик таҳлил, сабаб ва шарт-шароитлар, профилактика, ижтимоий омиллар, оилавий муҳит.

Аннотация. Настоящее исследование посвящено криминологическому анализу правонарушений, совершаемых несовершеннолетними девушками. В работе комплексно рассмотрены причины и условия, способствующие формированию противоправного поведения в данной социальной группе. Цель исследования заключается в выявлении социальных, психологических и семейных факторов, влияющих на совершение правонарушений несовершеннолетними девушками, а также в разработке научно обоснованных рекомендаций по их предупреждению. В ходе исследования использованы формально-логический, сравнительно-правовой и статистический методы. Установлено, что ключевыми детерминантами выступают недостаточный уровень семейного контроля, низкая эффективность профилактической

работы в образовательных учреждениях, а также негативное влияние социальной среды. Особое внимание уделено необходимости учета гендерных особенностей при разработке профилактических мер. Полученные результаты могут быть использованы для совершенствования системы предупреждения правонарушений.

Ключевые слова: несовершеннолетние, правонарушения девушек, криминологический анализ, причины и условия, профилактика, социальные факторы, семейная среда.

Abstract. This study is devoted to the criminological analysis of offenses committed by juvenile girls. It comprehensively examines the causes and conditions that contribute to the emergence of delinquent behavior within this specific social group. The purpose of the research is to identify social, psychological, and family-related factors influencing juvenile female delinquency and to develop scientifically grounded recommendations for its prevention. The study employs formal-logical, comparative-legal, and statistical methods. The findings indicate that the primary determinants include insufficient family supervision, low effectiveness of preventive measures in educational institutions, and the negative impact of the social environment. Special emphasis is placed on the importance of considering gender-specific characteristics in the development of preventive strategies. The results of the study can be applied to improve the system of crime prevention.

Keywords: juveniles, female delinquency, criminological analysis, causes and conditions, prevention, social factors, family environment

Вояга етмаган қизлар ҳуқуқбузарлиги — бу фақат “вояга етмаганлар девиант хулқи” ёки фақат “аёллар жиноятчилиги”нинг қисман йиғиндиси эмас, балки ёш, жинс, ижтимоий назорат, виктимизация ва институционал муносабатлар кесишмасида шакланувчи мураккаб ижтимоий-ҳуқуқий ҳодисадир. Шу сабабли унинг сабаб ва шарт-шароитларини таҳлил қилишда ҳуқуқбузарликнинг кенг тушунчаси сақланиши керак, аммо эмпирик ядро сифатида, табиий равишда, рўйхатга олинган жиноятлар ва аниқланган шахслар ҳақидаги расмий маълумотлар асосий ўрин тутди. Ўзбекистон қонунчилиги¹ ҳам айнан шундай комплекс ёндашувни қабул қилган: 2010 йилги қонун вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги муносабатларни тартибга солишни мақсад қилиб қўяди ва профилактика субъектлари тизимига комиссиялар, ички ишлар, таълим, васийлик ва ҳомийлик, соғлиқни сақлаш, меҳнат органлари, маҳалла, ННТ ҳамда ОАВни киритади.

Криминология нуқтаи назаридан “сабаб” ва “шарт-шароит”ни фарқлаш мазкур мавзуда айниқса муҳимдир. С.Ниёзова сабабни жиноятни тақозо қиладиган, уни “озиқлантирадиган” ва кўпайишини таъминлайдиган ҳодисалар йиғиндиси, шарт-шароитни эса ҳуқуқбузарликни бевосита туғдирмаса-да, унинг содир этилишига кўмаклашадиган воқеа ва жараёнлар мажмуи сифатида тавсифлайди². Бу ёндашув вояга етмаган қизлар ҳуқуқбузарлигини ҳам “якка ахлоқий бузилиш” эмас, балки ижтимоий муҳит, оила, мактаб, тенгдошлар муҳити ва шахсий-психологик омиллар ўзаро таъсирининг натижаси сифатида кўришни талаб қилади.

¹ <https://lex.uz/docs/-1685726>

² Ниёзова С.С. “Вояга етмаганлар жиноятчилигининг сабаблари ва уларга имкон берган шарт-шароитларга доир илмий ёндашувлар”, 2023.

Шу билан бирга, ҳуқуқбузарлик профилактикаси норматив моделининг ўзи ҳам сабабларнинг кўп қатламли эканини тан олади. Амалдаги қонунда вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик, ҳуқуқбузарликлар ва бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларни ҳимоя қилиш, яқка тартибда профилактика ва турли давлат ҳамда жамоат институтлари ўртасидаги ҳамкорлик бир тизимда бирлаштирилган. Бу эса, ҳуқуқбузарликнинг манбаи фақат “шахснинг айби” эмас, балки “муҳитнинг носоғломлиги” ҳам эканини ҳуқуқий даражада эътироф этади.

К.Й.Логинова ҳуқуқбузарлик сабаби сифатида шахс онгидаги ғайриижтимоий мойилликни, шарт-шароит сифатида эса ҳуқуқбузарлик содир этилган пайтдаги муайян ижтимоий муҳитни кўради³; унингча, жамоатчилик назорати ёки тарғибот-тушунтириш ишларининг етарли эмаслиги “сабаб” эмас, балки “шароит”дир. С.Ниёзова эса бу схемани танқидий кенгайтиради ва айрим ҳолатларда тарбиядаги хатоларнинг ўзи объектив сабаб мақомини олиши мумкинлигини таъкидлайди⁴.

А.Ш. Муродов оиладаги зўравонлик билан боғлиқ жиноятларни келтириб чиқарувчи омиллар қаторига носоғлом маънавий-руҳий муҳит, ахлоқий тарбиянинг заифлиги, оила аъзоларидаги ғайриижтимоий хулқ, моддий етишмовчилик, алкоголизм, асоссиз рашк, эрта турмуш ва ёш оила муносабатларига ноҳақ аралашувни киритади. Бу таснифнинг афзаллиги шундаки, у оилавий муҳитни “хусусий ҳудуд” эмас, балки криминоген ўзгарувчи сифатида талқин қилади; лекин Ниёзова эътирозича, мазкур гуруҳлашда сабаб ва шарт-шароит баъзан аралаштириб юборилади, бу эса профилактика субъектлари ўртасида вазифаларни тақсимлашни қийинлаштиради.

Халқаро адабиётдаги иккинчи муҳим полемика қизлар делинквентлигининг ўсиши “реал агрессия ўсиши” натижасими ёки “нет-вайденинг”, яъни ижтимоий назорат ва полиция амалиётининг кенгайиши оқибатими, деган савол атрофида кечади. Margaret A.Zahn⁵ бошчилигидаги Office of Juvenile Justice and Delinquency Prevention⁶ таҳлили қизлар делинквентлигига оид риск ва ҳимоя омиллари ўғил болаларникига кўп жиҳатдан ўхшаш бўлса-да, оилавий низо, виктимизация, эрта биологик етилиш ва каттароқ ёшли эркак тенгдошлар билан алоқа каби омиллар гендерга хос аҳамият касб этишини кўрсатади. Бошқа бир йўналиш эса қизлар жиноят адлияси тизимида кўпроқ тушаётгани, кўп ҳолларда, кам аҳамиятли маиший можаролар ва “статус” ҳуқуқбузарликларига нисбатан жазо сиёсатининг қаттиқлашуви билан боғлиқ, деб ҳисоблайди⁷.

Сабаб ва шарт-шароитлар тизими. Биринчи ва энг кучли омил — оила. Ўзбек криминологик адабиётида доимий конфликт, ота-онанинг паст педагогик малакаси, тўлиқсиз оила, моддий етишмовчилик, алкоголизм, маънавий-руҳий носоғлом муҳит ва фарзанд тарбиясига бепарволик вояга етмаганлар ҳуқуқбузарлигининг асосий

³ https://www.nctsn.org/sites/default/files/resources/trauma_among_girls_in_the_jj_system.pdf

⁴ Ўша манба.

⁵ Zahn M.A. ва бошқ. “Causes and Correlates of Girls’ Delinquency”, OJJDP, 2010. Қизлар делинквентлигида оила, мактаб, травма, эрта пубертат ва каттароқ ёшли эркак тенгдошлар таъсирини тизимли кўриб чиқади.

⁶ OJJDP “Fast Facts on Youth Justice” ҳамда “2022 National Report”. АҚШ бўйича қизлар улуши, статус ҳуқуқбузарликларидаги нисбий концентрация ва турар-жойлаштириш тузилмасини баҳолаш учун асосий расмий манба.

⁷ <https://www.ojp.gov/pdffiles1/ojjdp/226358.pdf>

детерминантлари сифатида қаралади. OJJDP қизлар делинквентлиги билан статистик жиҳатдан боғлиқ саккизта оилавий омилни ажратган: салбий ва танқидкор она образи, шафқатсиз интизом, номутаносиб интизом, оилавий низо, тез-тез кўчиш, бир неча парваришловчининг алмашилиши, якка ота-она билан узоқ вақт яшаш ва ижтимоий-иқтисодий камбағаллик⁸. Бу ерда муҳим жиҳат шундаки, “носоғлом оила” — битта омил эмас, балки эмоционал, тарбиявий, иқтисодий ва назорат функциялари бузилган мураккаб тизимдир.

Иккинчи асосий блок — виктимизация ва жароҳат. Травмага оид америкалик тадқиқотлар вояга етмаган қизлар ҳуқуқбузарлигини кўпинча “хужумкорликнинг сабаби” эмас, “зўравонликка реакция” сифатида тушунтиради. NCTSN маълумотларига кўра, адлия тизимига тушган ёшларда травматик тажриба тарқалиши 70–96 фоиз оралиғида; қизлар эса жинсий зўравонлик, оила ичидаги зўравонлик ва поливиктимизация бўйича ўғил болаларга нисбатан анча юқори кўрсаткичларга эга. Шу боис қочиш кетиш, майда ўғрилиқ, дарс қолдириш, агрессия ёки модда истеъмоли каби хатти-ҳаракатлар айрим ҳолларда “сурвивал-кримес”, яъни зўравон муҳитдан чиқиб кетиш ёки ички жароҳатни компенсатор тарзда бошқариш усули бўлиб намоён бўлади⁹.

Учинчи блок — мактаб ва ижтимоий назорат институтларининг заифлашуви. OJJDP таҳлили таълим муассасаси билан боғлиқлик, айниқса ўқитувчи билан муносабат ва мактабга эмоционал “боғланиш” қизларда ҳуқуқбузарликдан ҳимоя қилувчи омил эканини, ҳатто делинквент тенгдошлар бўлган ҳолда ҳам бу ҳимоя таъсири сақланишини кўрсатади. Айни пайтда Ўзбекистон бўйича UNICEF situation analysis ҳисоботи 2021–2022 MICS маълумотларига таяниб, 5–17 ёшли болалар орасида хавотир 12,9 фоиз, депрессия 3,5 фоиз эканини, мактабларда психологик ёрдамга ишонч пастлиги ва йўналтириш тизими етарлича интеграциялашмаганини қайд этади. Демак, мактабнинг профилактик функцияси фақат назорат эмас, балки эрта аниқлаш, руҳий қўллаб-қувватлаш ва институционал ишончни таъминлашдан иборат¹⁰.

Тўртинчи блок — тенгдошлар, гуруҳли хулқ ва катта ёшдагилар таъсири. OJJDP материаллари делинквент тенгдошлар ва жипслашган тенгдошлар тармоғи шахснинг ўз ҳуқуқбузарлигига сезиларли таъсир қилишини, қизлар орасида эса қабул қилинганлик истаги ва ҳиссий боғланиш бу таъсирни кучайтиришини кўрсатади. Шу билан бирга, қизлар учун каттароқ ёшли эркак тенгдошлар ёки романтик шериклар билан алоқа гендерга хос риск омили сифатида ажратилади. Ўзбекистон бўйича UNICEF ҳисоботи иш материаллари таҳлилида ҳуқуқбузар вояга етмаганларнинг ярми жиноятни бошқа шахс билан содир этганини, кўп ҳолатда шерик катта ёшли бўлганини қайд этади; Ниёзова эса мактаб назоратининг сустлиги, қариндош ва кўни-қўшнилар бепарволиги, мазмунсиз бўш вақт, маҳаллада уюшмаган ёшлар кўплиги, интернет ва мобил қурилмалардан назоратсиз фойдаланиш каби шароитларни алоҳида кўрсатади¹¹.

Бешинчи блок — ижтимоий-иқтисодий ва гендерлашган четлашув. UNICEFнинг Европа ва Марказий Осиё бўйича профилактика тўғрисидаги адвокация хужжати

⁸ <https://ccj.tsul.uz/wp-content/uploads/2024/05/Kriminologiya-4-son-2023.pdf>

⁹ https://www.nctsn.org/sites/default/files/resources/trauma_among_girls_in_the_jj_system.pdf

¹⁰ Zahn M. A. et al. Causes and Correlates of Girls’ Delinquency. — Washington, DC: U.S. Department of Justice, Office of Juvenile Justice and Delinquency Prevention, 2010. — 20 p.

¹¹ Ўша манбалар.

болалар ҳуқуқбузарлигининг илдиз омиллари қаторига қашшоқлик, уйсизлик, ишсизлик, оилавий зўравонлик, тан жазоси, таълим тизимининг заифлиги ва ижтимоий чиқариб ташлашни киритади. Ўзбекистон бўйича situation analysis эса молиявий шоклар болаларнинг мактабдан чиқиб кетиши ва хавфли ҳулққа киришишига олиб келиши мумкинлигини, 15–24 ёшли қизлар орасида NEET кўрсаткичи 42 фоиз эканини, бу кўрсаткич ёш йигитларда атиги 8,8 фоизлигини қайд қилади. Демак, ўсмир қизлар ҳуқуқбузарлигининг бир қисми гендер билан боғлиқ ижтимоий чекланиш, таълим-меҳнат траекторияларининг узилиши ва қарамлик муносабатлари билан боғланади¹².

Расмий статистика ва илмий тадқиқотлар йиғиндиси вояга етмаган ҳуқуқбузар қизнинг қуйидаги типологик, албатта шартли ва абсолют эмас, портретини чизиш имконини беради: у, қоида тариқасида, 16–17 ёш атрофидаги катта ўсмирлик даврида бўлади; оила ичида конфликт, бепарволик, зўравонлик ёки парокандалик тажрибасига эга бўлади; мактаб билан боғланиши заифлашаётган, ҳиссий жиҳатдан ичкилаштирилган стресс ва депрессив-хавотирли ҳолатларга мойил бўлади; делинквент тенгдош ёки катта ёшли шерик таъсирига очиқроқ бўлади; камида бир қисм ҳолатларда у ҳуқуқбузарликдан олдинёқ зўравонлик қурбони бўлган бўлади. Шу маънода, қизлар ҳуқуқбузарлигини “примитив хулиганлик” ёки “ахлоқий бузилиш” деб талқин қилиш илмий жиҳатдан етарли эмас.

Профилактика борасида энг асосий хулоса шуки, қизлар ҳуқуқбузарлигига нисбатан самарали ёндашув “жазони кучайтириш” эмас, балки эрта, кўп босқичли ва гендерга сезгир аралашувдир. UNICEFнинг профилактика бўйича ҳужжати бирламчи профилактикани барча болалар ва оилаларга қаратилган қўллаб-қувватлаш, иккиламчи профилактикани эса хавф гуруҳидаги заиф ва функцияси бузилган оилалар билан ишлаш сифатида белгилайди; шу ҳужжат ва унда таянилган глобал тадқиқотлар оилавий ва жамоавий дастурлар, мактаб орқали қўллаб-қувватлаш, ҳаётий кўникмалар, тенгдошлар менторлиги ва ота-она компетенцияларини кучайтириш ҳуқуқбузарликка кириш эҳтимолини камайтиришини таъкидлайди¹³. Шу нуқтаи назардан, айрим тадқиқотларда таъкидланишича, вояга етмаганлар жиноятчилигини камайтириш фақат жазо чоралари билан эмас, балки комплекс ижтимоий-профилактик ёндашув, жумладан, оила билан манзилли ишлаш, ҳуқуқий таълимни кучайтириш ва ижтимоий реабилитация механизмларини ривожлантириш орқали амалга оширилиши лозим¹⁴.

Илмий далиллардан келиб чиқиб, вояга етмаган қизлар ҳуқуқбузарлигининг олдини олиш бўйича камида тўрт устувор йўналишни ажратиш мумкин.

Биринчиси, травмага сезгир скрининг ва руҳий саломатликни қўллаб-қувватлашни мактаб, маҳалла ва ҳуқуқбузарлик профилактикаси тизимига интеграция қилиш.

Иккинчиси, ота-она билан ишлашни “назоратни кучайтириш” билан чекламасдан, конфликт медиацияси, оилавий маслаҳат, тарбия компетенцияси ва иқтисодий ёрдам билан бойитиш.

¹² UNICEF ECARO’нинг “Prevention of Child Offending” адвокация ҳужжати.

¹³ UNICEF ECARO’нинг “Prevention of Child Offending” адвокация ҳужжати.

¹⁴ Усманова Муборак Акмалджановна. (2026). Вояга етмаганлар жиноятчилиги: криминологик таҳлил ва профилактика механизмларини такомиллаштириш. International Multidisciplinary Research in Academic Science (IMRAS). – 2026. – Vol. 9, Issue 02. – Б. 9–14. <https://doi.org/10.5281/zenodo.18731925>

Учинчиси, статус ёки “survival” туридаги хатти-ҳаракатлар учун формал жазо тизимига шошилиш киритиш ўрнига диверсия ва жамоавий дастурларга устуворлик бериш.

Тўртинчиси, катта ёшдагилар томонидан жалб этиш, тенгдош босими ва рақамли муҳитдаги хавфларни эрта аниқлаш учун маҳалла, таълим ва профилактика инспекторлари ўртасида маълумот алмашинувини кучайтириш.